

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№2 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2025-2>

Бош муҳаррир:
Тўхтасинов Илҳом
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:
Тухтасинов Илхом
д.п.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:
Tuhtasinov Ilhom
DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Туробов Бекпулат
масбул котиб, PhD, доцент
(Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Балтабоев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сиддиқова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Туробов Бекпулат
отв. секретарь, PhD, доцент
(Узбекистан)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Turobov Bekpulat
PhD Ass. prof. Senior Secretary
(Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Murodova Mo'tabar Ibodullayevna TILAKLAR VA OLQISHLARNI NUTQIY AKTLAR SIFATIDA LINGVISTIK NUQTAI NAZARDAN TAHLILI...	5
2. Yusupova Soxiba Islombek qizi O'ZBEK BOLALAR O'YIN QO'SHIQLARIDA ATOQLI OTLARNING QO'LLANILISHI.....	9
3. Lolayeva Gulniso Geldiyorovna GAZETA MATNINING UMUMIY VAZIFALARI.....	13
4. Sharopova Ra'no, Karimova Latofat HOZIRGI O'ZBEK TILIDA "TARBIYA" LEKSIK-SEMANTIK MAYDONI TARKIBI VA TASNIFIQA OID QARASHLAR.....	18
5. Намазова Манзура Ураковна ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ЖИЗНИ И ЧАСТИ ИММИГРАНТОВ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ.....	24
6. Sadriddinzoda Safiya Shaxobiddinovna AMPHIBOLOGY IN ENGLISH RELIGIOUS LEXICOLOGY.....	32
7. Esirgapov Mukhiddin Nizomiddinovich THE INFLUENCE OF THE INTERNET AND DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE ENGLISH LANGUAGE.....	37
8. Karimova Dilorom Shavkatovna VERBAL AND NON-VERBAL INTERPRETATION OF THE CONCEPTS OF "DEATH" AND "LIFE".....	43
9. Narzullaeva Dilnoza Sanatovna CONCEPTUAL METAPHOR THEORY: EXPLORING THE ROLE OF METAPHOR IN CONCEPTUALIZING ABSTRACT CONCEPTS.....	48
10. Шахзод Турниязов ЎЗБЕК ТИЛИГА ҚИЛИНАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ТАРЖИМАЛАРДА МУАЛЛИФ УСЛУБИНИ САҚЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР (О. ГЕНРИ ҲИКОЯЛАРИ МИСОЛИДА).....	52
11. Matkarimova Gulira'no Abdullayevna XALQ OG'ZAKI IJODI VA MIFOLOGIK MANBALARDA UCHRAYDIGAN FITONIMLARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI.....	63
12. Алена Ялмагиевна Иванова ВЛИЯНИЕ КОНФУЦИАНСТВА НА ПРОЯВЛЕНИЕ ЭМОЦИЙ.....	68
13. Yunusova Gulshoda Dilshadovna EKVIVALENTLIK VA FE'L VALENSIYASI.....	80
14. Eshboyev Qahramon Bakir o'g'li O'ZBEK TILI SINONIMIK LUG'ATLARIDA DARAJALANISH METODOLOGIYASI.....	85
15. To'liboyeva Gulnura Baxadir qizi PEYZAJ BADIY VOSITA SIFATIDA (O'ZBEK VA QORAQALPOQ SHE'RIYATI MISOLIDA).....	91
16. Холбобоева Нилуфар Бахтиёр кизи НАВОИЙГА ТАХМИС.....	96
17. Сайымбетов Шарафатдин Уракбаевич И. ЮСУПОВНИНГ «ДАЛА АРМОНЛАРИ» ПОЭМАСИДА ИНДИВИДУАЛ МЕТАФОРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ.....	102
18. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	106
19. Xolova Muyassar Abdulhakimovna O'ZBEK SHEVALARIDA FONETIK O'ZGARISHLAR (Surxondaryo viloyati misolida).....	111
20. Malika Soliyeva INGLIZ TILIDAGI INTONATSIYANING AYRIM FONOSTILISTIK XUSUSIYATLARI.....	118
21. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ ХУСУСИДА.....	122

22. Xurinsa Xudoyberdiyeva TROPLARNING USLUBIY XUSUSIYATI (Xosiyat Rustamova lirikasi misolida).....	128
23. Israilova Sayera Tashpulat qizi INTERFAOL USULLAR ORQALI INGLIZ TILIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH (Tarix yo‘nalishi talabalari uchun).....	133
24. Israilova Sayera Tashpulat qizi INGLIZ XALQ ERTAKLARI ORQALI BOSHLANG‘ICH SINFI O‘QUVCHILARIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH.....	137
25. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	143
26. Робиға Мамбетова ҚОЗОҒИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	149
27. Ҳамидулла Годжиев ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ УМУММАЪРИФИЙ – УМУМАДАБИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	154
28. Ergashova Rano Turaevna LINGUISTIC FEATURES OF AVIATION TERMINOLOGY IN ENGLISH, RUSSIAN, AND UZBEK LANGUAGES: SPECIFICITIES AND COMMONALITIES.....	160
29. Bobir Maxammadov MIKROSOFT VINDOVS OPERATSION TIZIMI TERMINLARINING LEKSIKOGRAFIK TAVSIFI MASALALARI: MUAMMOLAR VA VAZIFALAR.....	170
30. Xalimova Firuza Rustamovna POETIK MATNDA BADIY KONSEPTLAR VA METAFORALARNING KOGNITIV-ESTETIK TALQINI.....	176
31. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	182
32. Матлуба Шукурова ЭНАХОН СИДДИҚОВА ШЕЪРИЯТИДА “АЁЛ” КОНЦЕПТИНИНГ АКТУАЛЛАШУВИ.....	187
33. Tashkulova Zarnigor “SHARQ” KONSEPTI SEMANTIK MAYDONIDA PEYZAJNING IFODALANISHI (S. MOEM HIKOYALARI MISOLIDA).....	195




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Робига Мамбетова,
Тошкент шаҳридаги Пучон университети
қабул бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ҚОЗОҒИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.17087438>

АННОТАЦИЯ

Мустақиллик йилларида миллий ўзлгимизни англаш, халқ маънавиятини юксалтириш, ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли Марказий Осиё давлатлариаро муносабатларнинг янги босқичда ривожланаётганлиги қўшни давлатлар худудидаги миллатдошларимиз билан алоқаларнинг қайта жонланишига сабаб бўлди. Бу эса она тилимизнинг халқ тарихи, маданияти ва маънавиятининг ўзига хос ифодачиси, юксак эстетик қимматга эга қадрият эканлигини яна бир бор исботлади. дунёда миллатлар ва мамлакатларни бир-бирига яқинлаштирадиган, қадрдон қиладиган омиллар жуда кўп, лекин уларнинг орасида халқ оғзаки ижоди юксак чўққиларни эгаллайди. Фольклор асарлари орқали халқлар бир-бирининг турмуш тарзини, маданияти ва қадриятларини мунтазам ўрганиб, бир-бирларини руҳан бойитиб бормоқдалар. Хусусан, Қозоғистон ўзбеклари билан ҳар томонлама муносабаиларнинг жонланиши илмий, ижодий ва маданий алоқаларга кенг йўл очиб берганлиги тилшунослик соҳасида ҳам ўзаро ҳамкорлик имкониятларини кенгайтирди. Мазкур мақолада Қозоғистон ўзбеклари фольклор асарларининг лингвомаданий хусусиятлари тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар. Қозоғистон, миллий рух, халқ оғзаки ижоди, алла, ўзбек-қозоқ қардошлиғи, она тили, бадий тафаккур.

Робия Мамбетова,
Заместитель начальника приемной комиссии
Пучонского университета в городе Ташкент

ФОЛЬКЛОРНЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ УЗБЕКОВ КАЗАХСТАНА: ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ

АННОТАЦИЯ

В годы независимости особое внимание уделяется осознанию национальной самобытности, повышению духовности народа, расширению сферы использования узбекского языка. Благодаря мудрой политике нашего Президента, развитие межгосударственных отношений в Центральной Азии вышло на новый этап, что послужило возрождению связей с нашими соотечественниками, проживающими на территории соседних государств. Это еще раз доказало, что родной язык является уникальным носителем истории, культуры и духовности народа, обладающим высокой эстетической ценностью. В мире существует

множество факторов, сближающих народы и страны, делающих их близкими, но среди них устное народное творчество занимает особое место. Через фольклорные произведения народы регулярно изучают образ жизни, культуру и ценности друг друга, духовно обогащая друг друга. В частности, активизация отношений с узбеками Казахстана открыла широкие возможности для научных, творческих и культурных связей, что также расширило возможности сотрудничества в области лингвистики. В данной статье рассматриваются лингвокультурные особенности фольклорных произведений узбеков Казахстана.

Ключевые слова: Казахстан, национальный дух, устное народное творчество, колыбельная, узбекско-казахское родство, родной язык, художественное мышление.

Robiga Mambetova,
Deputy Head of the Admissions Office,
Bucheon University in Tashkent

LINGUOCULTURAL FEATURES OF FOLKLORE WORKS OF UZBEKS IN KAZAKHSTAN

ABSTRACT

In the years of independence, special attention has been paid to understanding national identity, elevating the spirituality of the people, and expanding the scope of the Uzbek language. Thanks to our President's wise policy, the development of interstate relations in Central Asia has entered a new stage, which has led to the revival of ties with our compatriots living in neighboring countries. This once again proved that our native language is a unique expression of the people's history, culture, and spirituality, and is a value of high aesthetic worth. There are many factors in the world that bring nations and countries closer together, but among them, folk oral creativity occupies a prominent place. Through folklore works, peoples regularly study each other's lifestyles, cultures, and values, enriching each other spiritually. In particular, the revitalization of relations with Uzbeks in Kazakhstan has opened wide opportunities for scientific, creative, and cultural connections, which has also expanded possibilities for cooperation in the field of linguistics. This article analyzes the linguocultural features of the folklore works of Uzbeks in Kazakhstan.

Keywords: Kazakhstan, national spirit, folk oral creativity, lullaby, Uzbek-Kazakh kinship, native language, artistic thinking.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида лингвопоэтик ёндашувнинг такомиллашуви бадий матнни ташкил қилувчи тил бирликларини ҳар томонлама тадқиқ қилиш масаласини юзага келтирди. Ўзбек лингвопоэтикасида тил бирликларининг умумназарий масалалари бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, уларнинг Қозоғистон ўзбеклари фольклори манбаларининг тил хусусиятлари, лингвопоэтик жиҳатдан ўзига хосликлари, ўзбек-қозоқ билингвизми муҳитининг халқ оғзаки ижодига таъсири масалалари махсус тадқиқ қилинмаган. Бу эса Қозоғистон ўзбеклари фольклори манбалари ифода имкониятларини аниқлаш, уларда халқимизнинг ўзига хос миллий тафаккури, маънавий-маданий кадриятларининг сақланиб келаётганлиги масаласи билан биргаликда ўрганиш муҳимлигини кўрсатади.

Маълумки, фольклор асарларида халқ яратган мақол ва маталлар кўп қўлланилади. Б.Сайфуллаевнинг “Ўзбек-қозоқ диалектал фраземаларининг таркибий хусусиятлари”[9] сарлавҳали мақоласида қайд этилишича, ўзбек ва қозоқ тилида фразеологик шаклланиш масалалари Ш.Раҳматуллаев, А.Маматов, А.Рафиев, Б.Йўлдошев, Я.Д.Пинхасов, Ш.Алмаматова, С.Кенгесбаев, Р.А.Авакова, А.Болғанбаев, Ғ.Қалиев, Ў.Айтбаев, Ғ.Смағулова қатор тилшунос олимларнинг ишларида чуқур ўрганилган.[9]

Қозоғистон ўзбеклари халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва тизимлаштириш ишларига эътибор қаратила бошлади. Мираҳмад Мирхолдоронинг “Сайрам лапарлари ва халқ кўшиқлари”, Моҳира Саидованинг “Қорамурт халқ оғзаки ижоди гулдастаси”, Соҳиба Ғайбулла қизи ва Озода Ҳайдароваларнинг “Қарноқ дурдоналари” каби китоблари нашр

этилди. Марказий Осиё халқларининг ўзаро ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилган бугунги ижобий муҳит таъсирида Қозоғистон ўзбек этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамияти ташаббуси билан нашр этилган “Қозоғистон ўзбекларининг халқ оғзаки ижоди” (2019) тўпламининг нашр этилиши бу борадаги салмоқли қадамлардан бири бўлди. Халқ ижодиётининг ноёб дурдоналари ўзида миллий тафаккурнинг, миллат маънавий-руҳий қарашларининг, тасаввурлари, туғёнлари, илҳоми ва ижодкорлик туйғуларининг мужассамлиги билан эътиборни тортади. Хусусан, Қозоғистон ўзбеклари фольклор асарларида қадим ўлка тарихининг салмоғи ва залвори, халқнинг асрлар синовидан ўтиб келаётган миллий кадриятлари, севинчу изтироблари ёрқин намоён бўлади. Айниқса, сеҳрли аллалар худди қадим тупроқнинг ўтмиши каби ҳар доим сирли, тилсим ва синоатларга бой, мафтункор ва жўшқин, қалбларни жунбушга келтиргувчи жозибаси билан инсонларни ўзига ром қилади.

Маданий мерос ва халқ ижодиёти, унинг илмий-назарий муаммолари, анъанавий ва замонавий ижро шакллари, услублари тадқиқи муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, вариантлик фольклор асарларининг халқчиллигини ҳамда тарқалиш чегарасини белгилайди. Халқ ижодиёти намуналари жонли ижро жараёнида хилма – хил вариантлардагина яшайди «Вариантлик, – деб ёзади Т.Мирзаев,- фольклор табиати, унинг эстетикаси, яратилиши ва жонли ижрода яшаш қонуниятлари ҳамда функциясидан келиб чиққан хусусиятидир»[5, 26].

Таниқли тилшунос олим, профессор Ш.Сафаров тўғри таъкидлаганидек, “Воқеликни идрок этиш ва уни билишнинг миллий-маданий хусусиятлари муаммоси аслида тадқиқотчиларни узоқ йиллардан бери қизиқтириб келмоқда. Ушбу муаммо ҳақида билдирилган фикрлар ҳар хил, баъзан эса зиддиятлидир. Уларнинг айримларида ҳатто турли халқларнинг борлиқни идрок этиш бир-бирига батамом мос келмаслигини таъкидлашга ҳаракат қилишади. Инсон фаолияти маълум миллий маданият ижтимоий муҳит доирасида кечади. Шу сабабли ҳар қандай турдаги билим жараёнига оид структуралар, тузилмаларда миллий колорит бўлиши табиийдир”[11, 90].

Дарҳақиқат, Қозоғистон ўзбеклари этномаданий бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамиятининг ташаббуси билан чоп этилган “Ҳой-ҳой ўлан, жон ўлан...” тўплами умум ўзбек фольклорининг ўзига хос хусусиятларини илмий тадқиқ қилиш, унинг тарихи ва тараққиётини, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини бугунги кун талаблари асосида тарғиб этиш имкониятини яратади. Шунингдек, миллий маданиятлар уйғунлиги ва турфа хиллигини, барҳаётлигини сақлаш ва ривожлантириш, анъанавий фольклор санъатини оммалаштириш, ўсиб келаётган ёш авлод онгу - шуурига синдириш, ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида муҳим аҳамият касб этади. Педагогика фанлари доктори, профессор Н.Алметовнинг фикрича, “570 мингдан ортиқ ўзбеклар истиқомат қиладиган Жанубий Қозоғистон ўзбекларининг фольклористикасида ҳали ўрганилмаган кўплаб илмий муаммолари бор. Шулардан бири – Қозоғистон ўзбекларининг лапарлари. Халқнинг бир неча авлодлари оғзаки ҳолда трансформация қилиб келган лапарларнинг фақат баъзи бир парчалари ёзиб қолдирилган, энг асосийси – ҳанузгача Жанубий Қозоғистонда истиқомат қиляётган ўзбеклар лапарлари бир тизимга туширилмаган”[18, 9].

Шарқона маънавий-маърифий кадриятларимиз тизимида бетакрор ўринга эга бўлган аллалар қадимийлиги, анъанавийлиги, ўзига хос бадий-эстетик таъсирчанлиги, таълимий-тарбиявий фалсафаси жиҳатидан бекиёс таъсир кучига эга. Дарҳақиқат, “Ҳой-ҳой ўлан, жон ўлан...” тўпламидан маърифий – маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга лапарлар, аллалар, ўланлар ўрин олган. Уларда инсониятнинг ҳаёти жараёнида тўплаган тажрибалари, дунёқараш, умид – орзулари ифодаланади. Тингловчига нисбатан ўғит-насихат йўсинида, бадий ўхшатишлар, ташбеҳлар воситасида бағрикенглик, меҳр-мурувват туйғулари, ота-оналарнинг қадри тараннум этилади:

Мен онангман, онангман,
Устинга тўн ёпарман,
Йиғлай берсанг тинмайин,

Қайдан чора топарман,
Аллаё, алла.

Аллалар ҳаёт қувонч ва ташвишларининг, оналик мақомининг, таълим-тарбия ҳамда ота - она орзу умидларининг ҳамма жабҳаларини, қамраб олиши билан характерланади:

Қорнинг очса жон болам,
Қаймоқ бераман, алла.
Қора қўйнинг куйруғин
Чайнаб бераман, алла.
Аллаё, алла.

Инсон боласи дунёга келиб илк бора эшитган оромбахш наво алла бўлганлиги ҳақиқат. Бешиқдаги гўдакни тинчлантириб, уйкуга чўмдирадиган бу қўшиқ каттаю кичикнинг руҳиятига сокинлик, таскин ва ором бағишлаш хусусияти билан ҳам сеvimли оммавий жанр ҳисобланади. Энг муҳими, алла ҳамиша ўзининг навоси билан яралади. “Алла” сўзининг асли луғавий маъноси ҳам аллалаш, овутиб, авайлаб ухлатиш маъноларидан келиб чиққан бўлиб, “Ухла” сўзи билан маъно оҳанг жиҳатларидан ҳамиша ёнма-ён дидир. Уларда халқнинг фарзандлар камолоти борасида тутган тутумлари, чақалоққа аталган энг мунаввар меҳр - муҳаббати, бола тарбиясига оид халқона қарашлари, унинг келажаги ҳақидаги умидбахш ниятлари, содда тилда баён этилади. “Ҳой-ҳой ўлан...” китобидан ўрин олган аллалар орасида Чимкент алласи ўзининг хуш оҳанги билан ажралиб туради:

Биз қарисак суянч бўлгил ўзинг бизга, алла,
Мунчоқ кўзинг ўхшаб кетар юлдузларга, алла,
Сенинг учун туним улай кундузларга, алла,
Умидларим пойдевори, жоним болам, алла.

Муҳаббатим меваси сен, ширин сўзим, алла,
Бахтли бўлиб порлагайсан, кўрар кўзим, алла.
Тилаб сенга яхши тилак, битмас сўзим, алла,
Умидларим пойдевори, жоним болам, алла,
Аллаё, алла.

Дарҳақиқат, алла жаҳон оналарининг беминнат меҳрга, ойдин орзуларга йўғрилган энг муқаддас қўшиғидир. Уларда халқ донишмандлиги ва фалсафасини намоён этувчи, ҳаётий йўл-йўриқлар билан зийнатланган ҳикматлар, инсоний кадриятлар ҳамда юртсеварлик туйғулари энг юқори пардаларда куйланади.

Алла - фақат гўдакни эмас, балки даврни тарбияловчи, жамиятга эзгу таъсир ўтказувчи мўъжизакор санъатдир. “Ҳой-ҳой ўлан, жон ўлан” китобидан ўрин олган сеҳрли аллалар, айтишувлар халқимизнинг ўзлигини англаши, маданий меросини, миллий кадриятларини асраб-авайлаши, бирдамлик ва қардошлик ришталарини мустаҳкамлаши йўлидаги катта кадамдир.

Бироқ бу йўналишдаги ишларда, асосан, алла, лапар, ёр-ёр, келин салом, “Ё, Рамазон”, каби жанрларга оид намуналарни йиғиш, жамлаш ва уларнинг бадий-эстетик жиҳатларига қаратилган. Лекин уларнинг тил хусусиятлари, лингвопоэтик жиҳатдан ўзига хосликлари, ўзбек-қозоқ билингвизми муҳитининг халқ оғзаки ижодига таъсири масалалари тадқиқ этиш долзарб аҳамият. касб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ноёб дурдоналарни ўзида жамлаган “Ҳой – ҳой ўлан, жон ўлан” тўплами ўсиб келаётган ёш авлоднинг ички олами, рухий дунёси ва тафаккурини шакллантиришга катта ҳисса қўшиш баробарида, халқ оғзаки ижоди бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишда, оммавий ахборот воситаларида Қозоғистон ўзбеклари фольклорини тарғиб қилишда асосий манба бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи//Ўзбекистон овози газетаси. 21.10.2019; <https://uza.uz>
2. Бобур З.М. Бобурнома. Тошкент: “Юлдузча”, 1990.
3. Мамажонов А. Қўшма гапларда антитеза// Ўзбек тили ва адабиёти.1990, 6-сон.
4. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули.Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати/Маҳмудов Н. Худойбергана Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. Тошкент: “Маънавият”, 2013.
5. Мирзаев Т. ва бошқалар. Ўзбек фольклори. Дарслик. Алмати.: “ССК” нашриёти, 2021.
6. Мўминов Ғ. Изланишларимдан қатралар. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодийуйи, 2006.
7. Нурмонов А. Тилшуносликнинг психология билан муносабати // Танланган асарлар. 3 жилдлик. – Тошкент: Академнашр, 2012.
8. Орифжонов Н. Сўзбоши.Танланган асарлар. Алмати.: “Дала”, 2003.
9. Сайфуллаев Б.Н. “Ўзбе-қозоқ диалектал фраземаларининг таркибий хусусиятлари. Фан ва жамият. Илмий-услубий журнал.
10. Саттор М. Ўзбекнинг гапи қизиқ. Тошкент: “ФАН”, 1994.
11. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах.: “Сангзор” нашриёти, 2006.
12. Сейданов Қ. Навоий ва Абай. Ўзбек – қозоқ адабий алоқалари.Т.: “Машҳур – пресс”, 2018..
13. Тўхлиев Б. Ўзбек адабиёти. Тошкент: Ўқитувчи, 2000.
14. Ўзбек – қозоқ адабий алоқалари. Мақолалар тўплами. – Тошкент: «MASHHUR - PRESS» нашриёти, 2018.
15. Федин К.Маҳорат ҳақида. Бадиий ижод ҳақида. Ёзувчиларнинг нутқ ва мақолалар тўплами. Тошкент: Фан, 1960.
16. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Тошкент: Akademnashr, 2013.
17. Ҳамидов З. Боқий сўз. Тошкент: “Тамаддун” нашриёти, 2017.
18. Ҳой-ҳой ўлан, жон ўлан... Қозоғстон ўзбекларининг халқ оғзаки ижоди.Шимкент: 2019.
19. Шарафиддинов О. Адабиёт тилдан бошланади. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Тошкент: 1986, 5 сентябрь.
20. Шомақсудов Ш. Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000